

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2022 йил декабрь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, очиқ суд мажлисида, суд биносида, судья: Б.Б.Бердиевнинг раислигида, ҳалқ маслаҳатчилари Н.Джалалов ва С.Акилхановдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ф.Низамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Мирзо Улуғбек туман прокурори А.Пулатов, судланувчи А.Тишабаев ва унинг ҳимоячиси - адвокат Н.Акрамованинг иштирокида,

Тишабаев Абдувасик Боходирович, 1973 йил 29 июнь куни Навоий вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ажрашган, шаърий никохи бор, партиясиз, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган,

1) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2003 йил 7 январь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2004 йил 5 май кунги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига кўра, ўталмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 5 ой 11 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

2) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2004 йил 19 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум этилган, жиноят ишлари бўйича Охонгарон туман судининг 2007 йил 3 июль кунги ажрими билан, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ойлик иш ҳақининг 20 фозини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 8 ой 20 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

3) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2008 йил 8 февраль кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланиб, ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига кўра, ўта хавfli рецедивист деб топилган, жазо муддатини 2013 йил 16 май куни тўлиқ ўтаб чиққан,

4) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2013 йил 17 октябрь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 4-қисми “б” банди ва 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан айбланиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан 8 йил 6 ой



муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, тайинланган жазо махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган, жазо муддатини 2022 йил 6 март куни тўлиқ ўтаб чиққан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 16-мавзеси, 2-уй, 19-хонадонда вақтинча яшаган, иш бўйича 2022 йил 11 октябрь кунидан “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “б” банди ва 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан судланувчи **Тишабаев Абдувасик Боходирович**га оид 1-1001-2202/744-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб,

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Тишабаев Абдувасик Боходирович, ўта хавфли рецидивист бўла туриб, 2022 йил 1 август куни соат 12:00 ларда, анча миқдорда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 22 ва 23-уйлар оралиғида бўлган Қузиев Акмал Қучқоровични бошқарувидаги давлат рақами 01 326 ВНА бўлган Дамас русумли автоуловни хайдовчи томон орқа йўловчи ойнасини темир жисм билан ғайриқонуний равишда очиб, олд йўловчи ўриндиқ устида турган шаффоф полиэтилен пакет ичидаги “Sayyor Food Service” МЧЖга тегишли бўлган 9.800.000 сўм ва А.Қ.Қузиевга тегишли сарғиш рангли эркаклар сумкаси ичидан 2.800 АҚШ доллари ва 3.200.000 сўм миқдоридаги пулларни яширин равишда қўлга киритиб воқеа жойидан яширинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотга кўра, 2022 йил 1 август куни ҳолатига 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қиймати 10.912 сўм 36 тийн бўлиб, 2.800 АҚШ доллари 30.554.608 сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, Тишабаев Абдувасик Боходирович ўта хавфли рецидивист бўла туриб, ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, 2022 йил 26 сентябрь соат 09:30 ларда, такроран, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 2-уй олдида бўла туриб, ушбу ерда бўлган оқ рангли давлат рақами 01 С 621 GB бўлган Дамас русумли автоуловни орқа юк хонасини эшигини очиқлигидан фойдаланиб, автоуловни бар қисмида турган Хаитов Ахмаджон Эркин ўғлига тегишли 4.000.000 сўм миқдоридаги пулларни яширин равишда қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи **Тишабаев Абдувасик Боходирович** суд мажлисида унга нисбатан эълон қилинган айбловга дастлаб қисман иқрор бўлиб, сўнгра эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдириб, бу ҳақида ёзма



равишда айбга иқрорлик аризасини судга тақдим этиб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 1 август куни соат 12:00 ларда Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчасида жойлашган туман газ бўлими ёнидан ўтиб кетаётиб, А.Қузиёвга тегишли Дамас русумли автоуловни ўзининг ёнида бўлган темир жисм билан очиб, олд йўловчи ўриндиқ устида турган елим пакетда бўлган 10 миллионга яқин пул ва эркаклар қул сумкаси ичидан 2.800 АҚШ доллари ва 3.200.000 сўм миқдоридаги пулларни ўғирлаб воқеа жойидан кетиб қолганлиги ва пулларни ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборганлиги, шундан сўнг 2022 йил 26 сентябрь соат 09:30 ларда Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчаси, 2-уй олдидан ўтиб кетаётиб, қаровсиз турган Дамас русумли автоуловни орқа юк хонасини эшигини очиқлигидан фойдаланиб, автоуловни бар қисмида турган А.Хаитовга тегишли 2.400.000 сўм миқдоридаги пулларни ўғирлаб олганлиги, жиноий даромадини бир қисмини кўчадаги қарзларини тўлашга ва қолганини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганлиги, пулга мухтожлиги учун ҳам қамоқдан чиқиб иш тополмаганлиги учун ҳам мазкур жиноятни содир этганлиги, эндиликда эса қилмишидан пушаймон эканлиги, умрининг кўп қисмини қамоқда ўтказганлиги, лекин ҳар доим судда ваъда бериб келишини, бироқ ваъдасига турмасдан яна жиноят йўлига кириб келаётганлиги, ҳозир ёши 50 ёшда эканлиги, бир неча йиллар давомида қамоқда жазо ўтаб қонунларни билиб қолганлиги, ҳозирда судда тайинланиши мумкин бўлган жазони қанча муддатда бўлса ҳам охирига қадар қамоқда ўтказишини инобатга олиб, камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланишини сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи **Хаитов Ахмаджон Эркин ўғли**, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 26 сентябрь куни соат 09:30 ларда ўз ишлари билан Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор кўчасида жойлашган фуқароликни расмийлаштириш бўлимига бошқарувида бўлган оқ рангли Дамас русумли давлат рақами 01 С 621GB бўлган автоуловида келиб, автоуловдан тушаётган вақтида, автоуловни барча эшикларини қулфлаганлиги, автоуловни фақатгина орқа юк ҳона қисмини қулфламасдан тушиб кетганлиги, орадан тахминан 10 дақиқа ўтиб автоуловга қайтиб келган вақтида, автоуловни хайдовчи ва йўловчи томон эшиклари чала ёпилган ҳолатда турганлигини кўриб шубхаланганлиги, сўнг у зудлик билан олд йўловчи томонда бўлган автоуловни бар қисмини очиқ қараган вақтида, ушбу ерда ўзига тегишли бўлган жамғарган 4.000.000 сўм миқдоридаги пуллари жойида йўқлигини кўрганлиги ва зудлик билан ИИБ ходимларига хабар берганлиги, дастлаб ўғирлик юзасидан ариза ёзган вақтида ўғирланган пул миқдорини 2.500.000 сўмдан кўпороқ деб кўрсатганлиги, кейинчалик аниқ ҳисоб-китоб қилиб кўрганида эса 4.000.000 сўм миқдордаги пули ўғирланганлини билганлиги, касби фуқароларга буюртма қилган махсулот ва нарса буюмларини етказиб бериш ҳизмати эканлиги, кун давомида ҳаттоки ҳафталар давомида топган пулини автомашинасининг олд бардачогида қолдиришини ва ўзи учун



юритадиган дафтарда пулларнинг хсобини ёзиб боришини, шунинг учун ҳам дастлаб қанча миқдорда пули ўғирланганлигини билмаганлиги ва сўнгра аниқлаб пул миқдорини суммасини айтганлиги, судланувчи А.Тишабаевни танимаслиги ва ўғирликни шахсан кўзи билан кўрмаганлиги, айбдор шахсдан унга нисбатан етказилган моддий зарарни ундириб берилишини сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи **Қузиёв Акмал Қучқорович**, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 1 август куни соат 07:10 ларда иш жойи “Sayyor Food Service” МЧЖга қарашли “У Бабушки” таъмадди хонасига келганлиги, иш бошқарувчиси унга бозорлик қилиб келишини ва қайтишда Мирзо Улуғбек туман газ таъминоти бўлимига кириб келишини ва ушбу ерга хужжатларни топширишини айтиб, бозорлик қилиб келиш учун 18.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлиги, бошқарувидаги оқ рангли давлат рақами 01 326 ВНА бўлган Дамас русумли автоуловда бозорга бориб, 8.000.000 сўмга бозорлик қилиб келганлиги, сўнгра Мирзо Улуғбек туман газ таъминоти бўлимига кириш учун соат 11:40 ларда Бўзбозор кўчасига кириб келганлиги, шу ерда автоуловларни кўплиги ва жой йўқлигини кўриб, шу кўчада жойлашган 22 ва 23-уйлар оралиғига автоуловни қўйганлиги ва эшикларини қулфлаб, Мирзо Улуғбек туман газ таъминоти бўлимига кирганлиги ва ушбу бўлимга хужжатларни қолдирганлиги, орадан 15-20 дақиқалар ўтгач автоулов олдига қайтганлиги, сўнг калит билан хайдовчи томон эшигини очганлиги ва ўриндиққа ўтирганида, олд йўловчи томонида турган салафан пакет ичидаги “Sayyor Food Service” МЧЖга тегишли бўлган 10.000.000 сўм миқдоридаги пуллар ва ўзига тегишли бўлган сарғиш рангли эркаклар барсеткаси очиқ ҳолатдалиги, ўзига тегишли бўлган 2.800 АҚШ доллари ва 3.200.000 сўм миқдоридаги пуллар йўқлигини кўрганлиги, шундан кейин у мазкур бўлган ҳолат юзасидан ИИБ ходимларига хабар берганлиги, иш жойидан олган ойлик маоши 4 миллион сўмни ташкил қилиши, бир кун олдин ойлик маош олиб ўзи билан кўлидаги сумкасида сақлаб келаётганлиги, укаси Россия Федерациясида ишлаб, ойлар давомида унга банк орқали пул ўтказмаларини ўтказиб келишини, шундан жамғарилган 3.200 АҚШ доллари пули бўлганлиги, буни тасдиқловчи банк хужжатларини ҳам тақдим этишини, шунингдек 9.800.000 сўм эса иш бошқарувчи томонидан берилган ва бозордан ҳарид қилинган нарсалардан сўнг ортиб қолган пул эканлиги, ўғирликни айнан ким содир этганлигини кўрмаганлиги, бироқ ким ўғирлаган бўлса-да унга етказилган моддий зарарни ундириб берилишини сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида жабрланувчи **Халиков Алимамад Эркинович**, ҳақиқатдан ҳам “Sayyor Food Service” МЧЖда директор бўлиб 2017 йилдан буён ишлаб келиши, 2022 йил 1 август куни соат 07:10 ларда, у раҳбарлик қилаётган Мирзо Улуғбек кўчаси, 9-уйда жойлашган “Sayyor Food Service” МЧЖга қарашли “У Бабушки” таъмадди хонасида хайдовчи бўлиб ишловчи Қузиёв Акмалга жамиятга тегишли бўлган маблағдан унга бозорлик қилиб



келишини ва қайтишда Мирзо Улуғбек туман газ таъминоти бўлимига кириб келишини ва ушбу ерга хужжатларни топширишини айтиб, бозорлик қилиб келиши учун унга 18.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берилганлиги, орадан вақт ўтгач Қузиев Акмал унга қўнғироқ қилиб, у унга жамиятга тегишли 18.000.000 сўм миқдоридаги пулдан 8.000.000 сўмига бозор махсулотларини олганлиги, сўнг Мирзо Улуғбек туман газ таъминоти бўлимига кирганлиги, пул эса жамият томонидан унга бириктирилган давлат рақами 01 326 ВНА бўлган Дамас русумли автоуловда қолдирганлиги, қайтиб чиққач жамиятга тегишли бўлган 10.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағи, ҳамда ўзига тегишли бўлган 2.800 АҚШ доллари ва 3.200.000 сўм миқдоридаги пуллар номаълум шахс томонидан ўғирлаб кетганлигини маълум қилиб, ушбу ҳолат юзасидан у ИИБ ходимларига мурожаат қилганини маълум қилганлиги, унинг ишчиси А.Қузиевни бир неча йиллардан буён танишини, у билан бирга ишлаган даврида бирор маротаба корхона пулига хиёнат қилмаганлиги, айтилган вазифани ҳалол бажариб келиши, 4-5 ой давомида бир маротаба уйига боришга рухсат берилиши, оҳирги маротаба эса Навруз байрамида уйига борганлиги, ёлғон гапиришига ишонмаслиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини, адвокатнинг мулоҳазаларини судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Тишабаевнинг содир қилган жинояти Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИО ФМБ бошлиғи номига ёзилган аризалар билан, тушунтириш хатлари ва бошқа бирламчи хужжатлар билан, видео тасир нусхалари олиб қўйиш ва нарсани олиб қўйиш баённомалари билан, кўздан кечириш баённомаси, фото илова ва ашёвий далил қарори билан, суд мажлисида айбига иқроқ бўлиб ёзган аризаси ва жиноят ишида тўпланган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган объектив далиллар мажмуи билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Тишабаев Абдувасик Боходировичнинг ҳар икки эпизоддаги содир этган ўғирлик жиноятини айнан бир манзилда ва бир хил услубда айнаи бир турдаги автомашинага нисбатан содир этганлиги, ўғирликнинг услуби, яъни почерки бир хилда эканлиги, шунингдек ўғирлик содир этилган кун судланувчи воқеа жойидаги кузатув камераларида бевосита тушганлиги, ўғирлик объекти ёнида бўлганлиги, воқеа жойига бемақсад келиб, қаровсиз қолдирилган автомашиналардан пул миқдорларини ўғирлаб, воқеа жойидан яшириниб, жиноий даромадларининг бир қисми ҳисобига ўзининг мавжуд қарзларини тўлаб, қолган бир қисмига эса уяли алоқа воситаси олиб, жиноий даромадини сарфлашга улгурган деб хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 12-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши



юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Дастлабки тергов органи томонидан А.Тишабаевнинг ҳаракатлари 1-эпизодда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан ўғирлик, яъни ўта ҳавфли рецидивист томонидан, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда анча миқдорда талон-тарож қилишда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Дастлабки тергов органи томонидан А.Тишабаевнинг ҳаракатлари 2-эпизодда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан ўғирлик, яъни ўта ҳавфли рецидивист томонидан, такроран ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилишда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши–ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ва 37-бандида “Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)”лиги белгиланган.

Суд юқоридаги Пленум қарорининг раҳбарий қоидаларига амал қилиб, судланувчи А.Тишабаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини, унинг шахсини эътиборга олиб, судланувчи жиноятлари ғараз ниятларда содир қилганлиги, муқаддам бир неча маротаба судланганлиги, ўта ҳавфли рецидивист эканлиги, моддий зарар қопланмаганлиги ва жабрланувчини даъвоси борлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб, бироқ айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жиноятни мухтожликдан содир этганлиги, тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосини эса охирига қадар ўташини ҳамда маҳсус режим ўрнатилган колонияларда ўташлигини, ёшини ва соғлиғини инобатга олиб, ЖКнинг 33-моддаси талабига амал қилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



57-моддасини қўллаб, айбдор деб топилаётган модданинг санкциясида назарда тутилган энг кам муддатдаги озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарни муҳокама қилиб, судланувчи Тишабаев Абдувасик Боходировичдан жабрланувчи Хаитов Ахмаджон Эркин ўғли фойдасига 4.000.000 сўм миқдорида ҳамма жабрланувчи Қузиев Акмал Қучқорович фойдасига 13.000.000 сўм, шунингдек ҳукм эълон қилинган кундаги 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматидан келиб чиқиб, 2.800 АҚШ долларини, яъни 31.514.224 сўм миқдорида моддий зарар ундиришни белгилашни лозим топади.

Бундан ташқари, жабрланувчиларга мазкур жиноят иши бўйича етказилган бошқа моддий ва маънавий зарар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят оқибатида топилган мулк ҳисобланган ҳамда сақлаш учун вақтинча Мирзо Улуғбек туман ИИБнинг ашёвий далиллар хонасида бўлган “Redmi9T” русумли уяли алоқа воситаси сотилсин ва сотувдан тушган пул маблағлари етказилган моддий зарарга қаратишни белгилашни лозим топади.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск жиноят иши материалларида сақлаш учун қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Тишабаев Абдувасик Боходирович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан айбдор деб топилсин ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳсус тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати 2022 йил 11 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

А.Тишабаевга қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, судланувчи Тишабаев Абдувасик Боходировичдан жабрланувчи Хаитов Ахмаджон Эркин ўғли фойдасига 4.000.000 сўм миқдорида моддий зарар ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, судланувчи Тишабаев Абдувасик Боходировичдан жабрланувчи Қузиев Акмал Қучқорович фойдасига 13.000.000 сўм ундирилсин.



Хукм қонуний кучга кирганидан сўнг, судланувчи Тишабаев Абдувасик Боходировичдан жабрланувчи Қузиёв Акмал Қучқорович фойдасига 2.800 АҚШ долларини, яъни 31.514.224 сўм миқдорида моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчиларга мазкур жиноят иши бўйича етказилган бошқа моддий ва маънавий зарар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Redmi9T” русумли уяли алоқа воситаси сотилсин ва сотувдан тушган пул маблағлари етказилган моддий зарарга қаратишни белгилансин.

Жиноят иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск жиноят иши материалларида сақлаш учун қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи хукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо)

Халқ маслахатчилари: (имзо)

(имзо)

Б.Б.Бердиев

Н.Джалалов

С.Акилханов

хукм нусхаси аслига тўғри:

